

Ҳадис дарслари (210-дарс) Қазои ҳожатдан кейин тозаланиш одоби



19:00 / 21.12.2022 3772

هُنَعُ هَلَلَا يَضَرُّ هَلَلَا دُبَعُ نَع
يَلَّصُ يَبْنَلَا يَتَأَلُوقِي
طِيءُ أَعْلَا مَلَسَ وَهَيْلَعُ هَلَلَا
ةَثَالَتِبُ هَيْتَأَنَّا يَنَرَمَأَف

نُنِي رَجَحٌ تُدَجِّ وَفِي رَاجِحًا
مَلَفَ ثَلَاثًا تُسَمِّتُ لَأَوْ
هُتَيْتَ أَفَّةً ثَوْرٌ تُدَخِّ أَفَّ هُدَجًا
يَقُولُ أَوْ نُنِي رَجَحٌ لَأَدْخِ أَفَّ هِب
هُ أَوْرٌ سُنُّكَرٌ أَذْهَلُ أَقْوَمَةً وَرَلَا
يُذِمُّ رَتْلًا أَوْ يُرَاخِبُ لَأَوْ
يُئِئَسُّ نَلًا أَوْ

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қазои ҳожат қиладиган жойга келдилар-да, менга учта тош олиб келишимни амр қилдилар. Бас, мен иккита тош топдим ва учинчисини ахтариб, топа олмадим. Сўнгра бир тезак олиб, уни у зотга келтирдим. Бас, у зот икки тошни олдилар ва тезакни отиб юбордилар ва: «Бу - чиқинди», дедилар».

Бухорий, Термизий ва Насай ривоят қилганлар.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинаётган бу ҳадисда инсон қазои ҳожат қилганидан кейин баданига теккан нажосатдан қандай тозаланиши ҳақида сўз бормоқда.

Ислом дини инсон ҳаётидаги ҳамма масалаларни, ҳатто энг кичик ва нозик нарсаларни ҳам қўймай, мукамал баён қилиб берганига ушбу ҳадис ёрқин далилдир. Уларда инсон қазои ҳожат қилганда нима қилиши, ўзини қандай тутиши, қандай қилиб тозаланиши кераклиги тушунтириб берилганининг гувоҳи бўламиз. Шу билан бирга, бу ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу

алайҳи васалламнинг ҳаётларида ҳеч бир аниқ бўлмаган нуқта йўқлиги ҳам кўринмоқда. У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳатто халодаги ҳолатлари, қилган ишлари ҳам тўлалигича ўрганилган.

Мана, у зотнинг саҳобаларидан бири ўз иштирокларида бўлиб ўтган бир ишни ҳикоя қилмоқда. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам қазои ҳожат қилмоқчи бўлиб, жой танлабдилар. У зот алайҳиссалом Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан учта тош келтиришни сўрабдилар. У киши иккита тошни топиб, учинчисини топа олмабдилар ва бу ҳам бўлаверса керак, деб, ўрнига эшакнинг тезагини олиб келибдилар (баъзи ривоятларда тезак эшакники бўлганлиги айтилган). Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам иккита тошни олибдилар, тезакни эса ташлаб юбориб:

«Бу - чиқинди», дебдилар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Қазои ҳожат учун ўнғай жой топиш зарурлиги.
2. Қазои ҳожатга тайёрланаётиб, ўзга кишидан тош олиб келиш ва шунга ўхшаш ишларда ёрдам сўраш мумкинлиги.
3. Қазои ҳожатдан кейин тозаланишда тош ишлатиш мумкинлиги.
4. Ҳайвон чиқиндиси ила тозаланиб бўлмаслиги.
5. Ҳайвонларнинг чиқиндиси нажас эканлиги.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди